

# ДАВОЛАШ МУАССАСАЛАРИ ҚОШИДАГИ КИЧИК БОҒЛАР ЛОЙИҲАЛАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

*Имомов Мухиддин Рустамович*

“Ландшафт дизайн” кафедраси катта ўқитувчиси, СамДАҚУ

## Аннотация

Целью данной статьи является описание общего плана плана больницы (расположение зданий, сооружений, участков и других устройств), а также плантаций. Цель озеленения на территории больницы. Создание умеренного микроклимата и санитарно-гигиенических условий для релаксации больных. Территория дорог, коридоров и переулков, которые транспортируются к больнице, предназначена для улучшения внешнего вида территории больницы.

## Annotation

The purpose of this article is to describe the general plan of the hospital (the location of buildings, structures, sites and other devices), as well as plantations. The purpose of landscaping in the hospital. Creating a moderate microclimate and sanitary conditions for the relaxation of patients. The territory of roads, corridors and lanes that are transported to the hospital, is intended to improve the appearance of the hospital.

**Калим сўзлар:** қасалхона, архитектура, шаҳарсозлик, санитария-гигиена, Археологик қазилма, аҳоли пункт, ҳудудларни режалаштириши, экологик, кўкарамзорашибтириши, даволаи биноси, функционал бўлиmlар.

Даволаш муассасалари қошидаги кичик боғлар худуди даволаш комплексининг функционал вазифаларига асосланган ҳолда аниқ зоналашибтириб чиқилади. Кичик боғни курилишнинг жанубий томонидан жойлашибтириш мақсадга мувофиқ. Боғнинг режавий тизими мунтазам ва пейзаж усулида бўлиши мумкин. Қайси режавий усулини танлаш ҳудуднинг рельефига, мавжуд яшил кўкарамларнинг жойлашибтиришига ва бошқаларга боғлиқ. Боғ худуди ташки заарли омиллардан яхши ҳимояланган бўлиши керак. Даволаш муассасаларида кичик боғни шакллантиришдаги асосий омил – бу ўсимликлардир [5].

Кичик боғни кўкарамлашибтириш учун ўсимликлар ассортименти уларнинг беморларга ижобий психологик таъсир қилишини ҳисобга олган ҳолда пухта ўйланиши керак. Бу ерда ташки кўриниши тўғри геометрик (устунсимон, овал, шарсимон) ва эркин пейзажли кўринишдаги шаклларга

эга бўлган дараҳтлардан фойдаланилади. Улар турлича комбинацияларда қўлланилиши мумкин. Дараҳтлар ва буталардан ҳосил бўладиган ижобий таъсир омиллари уларнинг ташки кўринишилари баландлиги, баргларининг ранглари, гуллаши ва мевалари, хушбўй ҳиди, барг ва шохларининг шивирлаши билан аниқланади. Масалан, тугал қисми тик кўринишли игнабаргли



дараҳт ва буталар дан шаклланган яшил массив (нотинч шарпалар ҳосил қилувчи оддий арча, болқон) инсоннинг томоша қилиш қобилиятини фойдали томонга қўзғатади, кайфиятни эса кўтаришга ёрдам беради. Дараҳтлар ва буталардан тузилган массив (клен–явор, сохта каштан, олхўри, черемуха ва бирючина обыкновенная) асаб зўриқишини пасайти-ришга ва йўқотишга ёрдам беради ва ҳоказо[5].

Кичик боғ ландшафтидан соғломлаштириш мақсадида фаол фойдаланиш орқали боғнинг bemорлар организмига ижобий таъсир кўрсатишга эришиш мумкинки, бунда табиий кичик боғ ўзига хос шифо маскани ролини бажариши шифохонада кўрсатиладиган табиий муолажаларга қўшимча соғломлаштириш воситаси тарзида ҳам хизмат қилиши мумкин [5].

### **Даволаш муассасаларни кўкаламзорлаштириш мақсади ва вазифалари:**

Касалхоналарни ободонлаштириш мақсади шифохона ҳудудини атрофдаги кўчалардан ажратиш ва bemорларнинг соғлигини тиклаш учун қулай шароит яратишdir.

Тиббиёт муассасалари ҳудудини ландшафт лойиҳасини ташкил этиш ва санитария –гигиена шароитларини яхшилашга қуйидаги вазифаларилар киради:

- тоза ҳаво ва майдон;
- яхши инсолятция ва вентилятция;
- шамол, шовқин ва чангдан ҳимоя қилиш;
- bemорга терапевтик таъсир кўрсатиш ва соғлигини тиклаш учун қулай шароит яратиш;
- тиббиёт муассаса биносининг меъморий кўринишини бойитиши.

Касалхона ҳудудини кўкаламзорлаштириш тамойили касалхона режасининг умумий схемасига (бинолар, иншоотлар, майдончалар ва бошқа қурилмаларни жойлашиши) ҳамда экинзорлар мақсадига қараб белгиланади. Касалхона ҳудудидаги кўкаламзорлаштиришнинг мақсади қуйидагича: очиқ ҳавода муолажаларни ўтказиш, bemорларнинг сайр этиш ва дам олиши учун мўътадил микроиқлим ҳамда санитар-гигиеник шароитларни яратиш; даволаш биноларида ёруғлик режимини яхшилаш ҳамда уларни чанг ва шамолдан муҳофазалаш; яшил экинзорлар ёрдамида ҳудуднинг турли функционал бўлимларини чегаравий ажратиш; ҳудудни манзарали кўринишини яхшилаш[2].

Касалхона ҳудудида кўкаламзорлаштирилган майдон умумий майдонга нисбатан 70% дан кам бўлмаслиги лозим, яъни бир касалга  $50m^2$  яшил экинзорлар тўғри келадиган бўлиши керак. Транспорт харакатланадиган йўл, йўлаклар ва аллеялар майдони 17% дан ошмаслиги лозим. Касалхоналар ҳудудини кичик меъморий шакллар асосида кўкаламзорлаштириш бўйича тамойилли ғоялар қуйидагиларни ташкил этади: касалхона ҳудуди атрофида дараҳт ва буталарнинг қаторли экинзорлари барпо этилади. Хўжалик бинолари ва ёрдамчи иншоотлар ҳудуди, касалхонанинг қолган қисмидан дараҳтларнинг қалин экилган қоплами билан ажратилади. Ҳудуд ичидаги барча йўллар йўналишида ҳам дараҳтлар қаторлаб экиласди[2].

Хар бир даволаш биноси олдида кичик боғлар яратиш, маҳсус муолажалар учун майдончаларни кўкаламзорлаштириш, сайр қилишга мўлжалланган йўлакларга ҳам яшил экинзорлар ташкил этиш лозим.

Экин турлари ассортименти кенг бўлиб, унда нинабаргли ўсимликлар аксарият қисмини ташкил этиш зарур. Шакли-шамойилига, рангига кўра турли хилдаги дараҳт ва буталардан фойдаланган



холда ҳудуд манзарасини ёрқин равишида безатиш, бунда күпроқ гуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ [2].

Касалхоналар ҳудудидаги яшил экинзорлар қандай вазифани бажаради. Касалхоналар ҳудудининг баланси қандай бўлади? Инсонни қадим замонлардан бери турли хил кўркам ўсимликлар дунёси ўраб олган. Ибтидоий одамлар ўз гўшаси атрофида ўсуви егулик ва кўп касалликларга даво бўлувчи ўсимликларни қидириб топишга ҳаракат қилишган. Археологик қазилмалардан ҳам шу нарса маълумки, қадимги дунё ҳалқлари ўсимликлардан егулик, доривор ва манзарали ўсимликлар сифатида фойдаланишган. Осиё, Европа, Африка ва Америкадан топилган кўпгина қоялардаги тасвиirlар гулларнинг ва манзарали ўсимликларнинг бекиёс гўзаллиги бизнинг давримизгача етиб келган. Эрон, Ҳиндистон, Япония, Марказий ва Жанубий Америка ҳалқлари қадим вақтлардан бери йирик ва очик гулли ёввойи ўсимликлардан, шунингдек, доривор хусусиятга эга бўлган ўсимликлардан ўз эхтиёжларига яраша фойдаланишган. Бу ўсимликлар билан улар ўзлари яшаган жойларни безашган ва уларни тиббиёт соҳасида ишлатишган[4].

Олимларнинг фикрига кўра, энг биринчи манзарали ўсимликлар атиргул билан лотос бўлган. Қадимги обидаларнинг гувоҳлик беришича, бу ўсимликлардан жамиятда 5,5-6 минг йил, гулсафсар ва хризантемадан эса 4 минг йил аввал фойдаланилган. Ота-боболаримизнинг бу гулларга бўлган муҳаббатини қояларга ва уй-жой жиҳозларига туширилган тасвиirlардан, кашталарга тикилган гуллардан, нақшлардан, эски қўллўзмалардан билиш мумкин[3].

Крит оролида олимлар томонидан 3500 йил илгариги атиргул тасвири топилган. Умуман, бу гулларнинг тарқалиши 1000 йил аввал бошланиб Месопотамия, Ҳиндистон, Хитой, Эрон, Яқин Шарқ, Мисрдан ўтиб Юноnistон ва Римгача етиб келган. Қадимги Юононда атиргул гўзаллик худоси Афродидага бағишланган, унинг эхроми атрофларини атиргуллардан ташкил топган гўзал боғлар ўраб турган [4].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, даволаш муассасалари ҳудудидаги кичик боғлар яратишнинг мақсади қуидагича, очик ҳавода муолажаларни ўтказиш, беморларнинг сайд этиши ва дам олиши учун мўътадил микроиқлим ҳамда санитар-гигиеник шароитларни яратиш; даволаш биноларида ёруғлик режимини яхшилаш ҳамда уларни чанг ва шамолдан муҳофазалаш; яшил экинзорлар ёрдамида ҳудуднинг турли функционал бўлимларини чегаравий ажратиш; ҳудудни манзарали кўринишини яхшилашдир.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. А.Қ. Қайимов, Дж.Турок. “Аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш”. Тошкент – 2012
2. Адилова Л.А. Ландшафт архитектураси. Ўқув қўлланма.-Т., 2000.
3. Вергунов А.П., Денисов М.Ф., Ожегов С.С. Ландшафтное проектирование.-М.1991.
4. Гарнizonенко Т.С. Справочник современного ландшафтного дизайна.-Ростов- на-Дону, 2005



5. Олимова, О. О. (2023). ВНЕДРЕНИЕ СОВРЕМЕННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРОСТРАНСТВО ШКОЛ. “MODERN SCIENCE AND EDUCATION: ACHIEVEMENTS AND DEVELOPMENT PROSPECTS”, 166-168.
6. Мустаев Б.Б. Ўзбек миллий боғи меъморий дастурини яратишнинг илмий-назарий ва лойиҳавий асосларини такомиллаштириш Диссертация – Т., 2019.
7. Jurayeva, E., Dilshod, L., & Olimova, O. (2024). Reviving Ancient Splendor: Graphic Restoration of the Mosque of Odina in Uzbekistan. *Indonesian Journal of Cultural and Community Development*, 15(1), 10-21070.
8. Имомов, М. Р. (2023). ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА КИЧИК БОҒЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН СУВ ДУНЁСИ ВА МЎЖАЗ МЕЪМОРИЙ ШАКЛЛАР БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР. *ARXITEKTURA, MUHANDISLIK VA ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALAR JURNALI*, 2(1), 144-148.
9. Нарзиева, К. К., & Имомов, М. Р. (2018). ИСТОРИЧЕСКИЕ АРХИТЕКТУРНЫЕ СТРОЕНИЯ СТРАН БЛИЖНЕГО И СРЕДНЕГО ВОСТОКА. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (5-7), 124-128.
10. ИМОМОВ, М. (2020). РАЗРЕШЕНИЕ ЛАНДШАФТНЫХ БОЛЬНИЦ И НЕБОЛЬШИХ ПАРКОВ В УСЛОВИЯХ НЕОПРЕДЕЛЕННОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ, ПРИНЦИПЫ ИХ ОРГАНИЗАЦИИ. Электронный сетевой полиграфический журнал "Научные труды КубГТУ", (8), 827-831.

